

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Андижон вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи  
А.Дадажонов

1” декабрь 2021 йил.

**Андижон вилоят адлия бошқармаси марказий аппарати ходимлари  
хамда "Адолат равнақ қурилиш" МЧЖ раҳбари О.Насретдинов  
иштирокида ўтказилган тезкор йиғилиш  
Б А Ё Н И**

2021 йил 21 декабрь

Андижон шаҳри

Раислик қилди: А.Дадажонов – бошқарма бошлиғи

Йиғилиш котиби: С.Қобилжонов

Қатнашди: Бошқарма марказий аппарати ходимлари,  
"Адолат равнақ қурилиш" МЧЖ раҳбари  
О.Насретдинов

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Андижон вилоят адлия бошқармасининг мавжуд бино  
ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қўшимча бинолар қуриш  
бўйича эълон қилинган тендер натижалари муҳокамаси**

*(А.Дадажонов, К.Маширапов, О.Насретдинов, А.Дадажонов)*

Раислик қилувчи йиғилишни очиб, йиғилиш мақсади ва кун тартибидаги масалалар юзасидан тушунтириш берди.

Жумладан Андижон шаҳар Миллий тикланиш кўчаси 60-уйда жойлашган Андижон вилоят адлия бошқармаси мавжуд бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва қўшимча бино ва иншоотларни қуриш бўйича лот рақами 16030-сон билан ўтказилган тендерда энг яхши таклиф сифатида “**ADOLAT RAVNAQ QURILISH**” МЧЖ ғолиб деб топилган.

Бошқарма бошлиғи йиғилишга таклиф этилган МЧЖ раҳбари Насретдинов Озодбек Ибрагимовичга Адлия бошқармаси буюртмачи сифатида реконструкция ва қўшимча бинолар қуриш учун буюртма нархини ҚҚС билан бирга 5 743 580 665,00 сўм, қурилиш муддати 270 кун этиб белгилаганлигини, МЧЖ томонидан буюртма нархи 5 169 222 598,50 сўм қурилиш муддати эса 180 кун этиб таклиф берилганлиги ва тендерда ғолиб бўлганлигини таъкидлаб, МЧЖ раҳбаридан ҳақиқатда лойиҳа билан шахсан танишиб чиққанлигини, буюртмани

ўзи таклиф қилган нархда ва муддатда тамомлаб бера олишини ҳисоб-китоб қилган-қилмаганлиғни сўради.

Тендер ғолиби бўлган “ADOLAT RAVNAQ QURILISH” МЧЖ раҳбари Насретдинов Озодбек Ибрагимов буюртманинг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан шахсан танишиб чиққанлигини ва ўзи таклиф қилган нархда ва муддатда буюртмани тамомлаб бера олишини таъкидлади.

Шундан сўнг бошқарма бошлиғи А.Дадажонов “ADOLAT RAVNAQ QURILISH” МЧЖ раҳбари О.Насретдиновдан эълон берилган тендер бўйича Адлия тизимидаги бирор ходим у билан алоқага чиққан-чиқмаганлигини, моддий ёки бошқа манфаатдорлик эвазига тендер ғолиблигига ёрдам берган-бермаганлиги ёки ёрдам бериш бўйича таклиф берган-бермаганлигини сўради.

О.Насретдинов тендер савдолари ҳаққоний бўлганлигини, тендер натижалари эълон қилингунига қадар вилоят адлия бошқармаси тизимидаги бирорта ходимни шахсан танимаслигини, шунингдек унга тендер ғолиблигини қўлга киритиш учун ҳеч ким ёрдам бермаганлигини, тендер савдолари холис шаффоф ўтказилганлигини маълум қилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан “ADOLAT RAVNAQ QURILISH” МЧЖ раҳбари О.Насретдиновнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бошқарма марказий аппарати бўлим бошлиқлари қурилиш жараёнида бошқа бинога кўчишда товар-моддий бойликларга зарар етказилмаслигини таъминласин;

3. Хўжалик ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими (Б.Мўминов) қурилиш давомида пудратчига ташкилий масалаларда зарурий кўмак бериб борилсин.

Йиғилиш котиби:

Бошқарма бошлиғи  
ўринбосари

Бўлим бошлиқлари

“ADOLAT RAVNAQ QURILISH”  
МЧЖ раҳбари



С.Қобилжонов

К.Машрапов

С.Абдуллаев

Б.Мўминов

М.Ахматохунов

О.Насретдинов